Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 14 август шанба

Сотувда эркин нархда № 160 (2198)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

**Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!**

## ИЛОЙИМ, УМРИНГИЗДАН БАРАКА ТОПИНГ

*Қадрли Ислом оға!*

Қимматли вақтингизни олиб, Сизга юрагимдаги ўйларимни айтишга қарор қилганим учун минг бор узр. Кексаликда одам атрофидаги воқеаларни, оқ-қорани шошилмай, ҳис-ҳаяжонга берилмай баҳолар экан. Худо ёш берса, саксондан сакраб, тўқсонни кўзлаяпман. Умрим бўйи элга хизмат қилдим, доноларнинг этагини тутиб, бетайинлардан нари юрдим. Насиҳат билан ўсиб, энди шукрки, элга насиҳат қиладиган ёшга етдим.

Сиз билан ҳар куни телевизор орқали суҳбатлашаман. Сўзларингиз танамга шижоат бағишлайди. «Эҳ, қанийди ёш бўлсам» деб ўйлайман. «Эшитдингизми?!» — дейман болаларимга. Бунга ҳам қаноат қилмай, қўни-қўшнилар даврасига чиқаман, маҳаллани тўплайман. «Ҳой халойиқ, Юртбошимизнинг дардига малҳам бўлинглар, доно Йўлбошчи халқнинг бахти», — дейман. «Айтинг, биз не қилайлик, Позил ака?» — сўрашади мендан. «Ҳеч нарса қилма, меҳнатингни бил, бир-бирингга кўз-қулоқ, меҳрибон бўл, инсоф-диёнатни йўқотма, болаларингга насиҳат қил», — дейман. Яна айтаман: «Бовирларим, қозоқнинг ўзбекдан яхшироқ қондоши йўқ, сенлар шуни бил. Биз бир дарахтнинг икки шохимиз, буни унутма», — дейман.

Дарҳақиқат, туманимизда 142 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Шунинг ўттиз олти мингги қозоқлар, «Бостанлик дауси» деган қозоқ газетаси, 20 та қозоқ мактаби ишлаб турибди. Республикамиздаги санъат кўриклари бизнинг оқинларсиз ўтмайди. Қозоқлар яшайдиган қишлоқ-овулларнинг суви, гази етарли, раҳбарлари ҳам қозоқлардан. Хўжаликлар гуллаб-яшнамоқда, мева-чева, ғалла, чорва етарли. Тўйларимизда ўзбекнинг сурнайига қозоқнинг дўмбираси, аскиясига айтишув уланиб кетади. Бизга яна не керак, минг бор шукур.

Халқларимизда «Бўлар элнинг йигитлари бир-бирини ботирим дер», деган гап бор. Ислом Абдуғаниевич, ёр-биродарлик, аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ҳақида сўзлаганингизда ана шу нақл ёдга тушади. Минг раҳмат, юртини аяган, элини суйган бошчининг гапи шундай бўлади.

Азиз Юртбоши, Сиз ҳар бир қозоқ уйининг тўрида, қалбининг қўрида ардоқ топган улуғ инсонсиз. Бутун халқ Сизни севади ва Сизга ишонади. Биз кексаларга кўрсатаётган меҳр-мурувватингиз учун Сиздан беҳад миннатдормиз. Илойим, умрингиздан барака топинг. Лекин бир илтимосим ҳам бор. Бизни қария деб аяб ўтирманг, топшириқ бўлса айтинг. Сизга мадад бўлишни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз. Вақтингиз бўлса, биз томонларга келинг, азиз меҳмонимиз бўлинг.

*Илойим, борингизга шукур!*

**Позил РАЗОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
**Бўстонлиқ тумани.**







## ҚУВАСОЙ ЧИННИСИ



«Қувасойчинниси» акционерлик жамияти икки йил бурун иқтисодий етишмовчилик туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришни деярли тўхтатган эди. Янги раҳбариятнинг изланувчанлиги ва тадбиркорлиги туфайли корхона фаолияти жонлантириб юборилди. Аввало, маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, чинни буюмлар, ўтга чидамли ғиштлар, кислотага чидамли плиталар, чиқиндилардан шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мавжуд ички имкониятлардан фойдаланиб, транспорт ва бошқа соҳаларга сарфланаётган харажатлар камайтирилди. Ўндан ортиқ ихтирочилик таклифларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида 32 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди. Юқоридаги амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпайтиришга эришмоқда. Бугунги кунда Қувасой чиннилари мамлакатимиз бозорида ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

**СУРАТЛАРДА: жамият раиси Х. Набиев тайёр маҳсулотлар цехида; нақшинкор сервизлар; жилокор Фотима Абдуаминова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## БУНЁДКОРДИР АЗАЛДАН ЭЛИМ

**Дунёга донғи кетган саркарда бобокалонимиз Амир Темурнинг «Шуҳратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг», дея айтган пурмаъно каломи орадан асрлар ўтибди ҳамки, аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, бугунги ёруғ кунлар, мустақиллик замонига атаб топиб айтилгандай.**

**XXI аср сари**

Тўғри-да, эндигина 8 ёшга тўлаётган Ўзбекистоннинг буюк келажагига, шуҳратига шубҳангиз бўлса, ўтган шу қисқа давр ичида қилинган бунёдкорлик ишларига бир назар солинг. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейишади: хўп, мисолни қай биридан бошлай? Асака мўъжизасини таърифлайми, ё Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводини кўз-кўз қилиб мақтайми? Балки Хўжаободдаги газ омборидан сўз очиш керакдир. Ёхуд пойтахтдан тортиб, барча шаҳарларимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонаси, йирик тўқимачилик мажмуалари ишларини номма-ном санайинми? Йўқ, санамайман. Биринчидан, саноқдан адашаман, иккинчидан халқимизда «Санасанг баракаси камаяди», деган ирим бор. Фақат ва фақат шундай дориломон кунларга етказганига шукроналар айтаман, Истиқлол насимларининг абадий эсишини тилайман, холос.

Бу — марказдаги қурилишлар, дерсиз. Марҳамат, мамлакатимизнинг ғарбий сарҳадларида жойлашган Қорақалпоғистонни олинг. Қўнғиротда бунёд этилаётган сода заводининг ўзи мамлакатимиздаги энг йирик саноат объектларидан бири эмасми?

Қорақалпоғистонлик қурувчилар ҳар йилги мустақиллик тўйига тўёна ҳозирлашни ўзларига одат қилишган. Жорий йилнинг 1 сентябрида Нукус шаҳрида энг замонавий мосламалар билан жиҳозланган 130 ўринли туғруқхона ишга туширилади. Уни «Қорақалпоқфуқаросаноатқурилиш» бунёдкорлари тиклашаяпти.

Шунингдек, Амударё ва Қораўзак туманларида ҳар бири 422-ўринли иккита замонавий лицей болажонлар ихтиёрига топширилади. Бўстон шаҳрида қад ростлаган мусиқа мактаби ҳамда 800 томошабинга мўлжалланган маданият саройини илғор хорижий ва миллий архитектурамиз уйғунлигида яратилган ўзига хос кашфиёт, десак муболаға бўлмас.

Қорақалпоғистоннинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган Нукус-Учқудуқ темир йўл қурилиши ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз. Ҳозирда жадал бунёд этилаётган ушбу пўлат изларда поездлар қатнай бошлагач, нафақат халқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш осонлашади, балки одамлар узоғи яқин бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, бугун ушбу минтақамизга қатнаётган поездларнинг бошқа давлат ҳудудидан ўтгани учун сарфланаётган валюта ҳисобидаги бож тўловлари ўз-ўзидан барҳам топади.

Мазкур йўналишнинг 115,2 километрлик «Султонуздаг — Тўрткўл» участкасида иш, айниқса, қизғин. 40-45 даража иссиқни писанд қилмай, меҳнат қилаётган қурувчилар ҳузурида бўлганимизда, уларнинг хушчақчақ кайфиятини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

— Бу ерда шижоат кўрсатаётган барча йигитларни ягона мақсад бирлаштириб турибди, — дейди ҳамроҳим — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қурилиш бўйича котибият мудири Ғаний Садиров. — У ҳам бўлса, бугунги бунёдкорлик мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти учун хизмат қилажак.

— Ҳа, Ғаний оға, меҳмон бошлаб келибсиз-да, — бизга сўз қотди пешонасини артар экан, ўзини Ражаббой Ёқубов деб таништирган киши.

Туш пайти бўлганиданми, тикка кўтарилган қуёш нурлари борлиқни куйдираман, дейди. Чор-атроф тақир чўл. Қилт этган шамол йўқ.

— Шундай жазирамада ишлаш осон бўлмаса керак?

Ражаббой ака майин жилмайиб, бироз жим қолгач, жавоб қайтарди:

— Биласизми, ука, агар фалсафа суқиб бошимни айлантираяпти демасангиз, гапнинг индаллосини айтаман.

— ...

— Мен бир сонини хуш кўраман. Нимага дерсиз? Аллоҳ битта, инсон дунёга бир марта келади. Унинг туққан онаси ҳам, улғайтирган Ватани ҳам ягона. Энди ўзингиз ўйланг, шу танҳо Ватан ривожи учун меҳнат қилганда, иссиғу совуқ ёдингизга тушармиди?..

Қурувчилар билан самимий хайрлашиб, машинага ўтирдик. Аммо хаёлим Ражаббой аканинг гапларини эшитгач, туғилган турли фикрлар билан банд эди. «Қани эди, ҳамма шундай мулоҳаза юритса, айниқса, четда туриб ўз юртдошига, элига нина санчаётган ватанфурушлар...»

Ҳамроҳим Ғаний Садиров хаёлимни бўлди:

— Меҳмон, шу йўл бўйида мўъжазгина чойхона бор, балки тушлик қилармиз?

— Майли...

Ёнимиздаги столга яна бир-икки киши келиб ўтирди. Бир пиёла чой устида суҳбат қизиди. Кимдир айрим етишмовчилик, камчиликлардан нолиб қолди. Ана энди бу нолиш чойхоначи йигитнинг ғурурига текканини кўрсангиз!

— Ношукурлик қилманг, ака, — деди у дадиллик билан. — Ҳаммаси бирданига қаерда сизга? Бўлади-да аста-секин. Мана, «Нексия»дай ажойиб машина чиқардик. Унинг бензини ҳам ўзимизда тайёрланаяпти...

Чойхоначи йигитнинг ватанпарварлигидан шунчалик суюниб кетдикки, асти қўяверасиз. Хуллас, Қорақалпоғистонликларнинг руҳи тетик, кайфияти юқори. Шу азиз Ватан барчамизники, дея меҳнат қилишмоқда.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Олий Мажлис сессияси олдидан

## ҚОНУНЛАР — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВНИНГ АСОСИ

***Яна бир неча кундан кейин Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси очилади. Сессия муҳокамасига мустақил Ватанимиз ва унинг заҳматкаш халқи ҳаётида муҳим ўрин тутадиган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар киритилган. Улар орасида "Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳам бор.***

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин КОМИЛОВ билан суҳбатимиз айни ана шу ҳужжатнинг аҳамияти, сайловларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида бўлди.***

— Сайловлар ҳақиқатан ҳам халқимиз ва жамиятимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа ҳисобланади. Чунки айнан сайлов демократиянинг амалдаги эркин ифодаси, инсон ҳуқуқлари рўёбга чиқишининг ғоят муҳим омилидир. Конституцияга мувофиқ, мамлакатимизнинг балоғатга етган ҳар бир фуқароси сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳар бир фуқаро ўзи ёки овоз берган вакиллари орқали давлатни бошқаришда иштирок этади, деган маънони англатади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниши ва бунинг учун курашиши, айниқса, сайловлар пайтида яққол намоён бўлади.

Демократик ҳуқуқий жамият қурилаётган мамлакатимизда сайловларнинг тенгҳуқуқлилик, ошкоралик ва адолат тамойилларига қатъий амал қилиш асосида ўтказилиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бунда биринчи навбатда сайлов қонунчилигини назарда тутяпман, албатта. Зеро, бизнинг қонунларимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг талабларига тўла жавоб беради.

**(Давоми 2-бетда).**

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 18 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши 17 август куни ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланади.

"Ватан тараққиёти" партияси фракциясининг йиғилиши 18 август куни соат 9.30 да Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мажлислар залида ўтказилади. Шу куни "Адолат" Социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши соат 13 да, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши эса соат 15 да Олий Мажлисда ўтказилади.

## Мустақиллик байрамига ҳозирлик

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси Ҳ.Кароматов олиб борди.

Сўзга чиққанлар халқимизнинг маънавий-миллий қиёфасини акс эттирадиган ушбу байрамни ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ўтказиш, томошалар дастурларини миллий ва умуминсоний ғоялар, истиқлолни, она-Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар билан янада бойитиш зарурлигини таъкидлади. Тадбирлар ўтадиган майдон ва саҳналарни байрамона руҳда безаш, жиҳозлаш, айниқса пойтахтимиз Тошкент кўчаларини янада ободонлаштириш, вилоятлардан келадиган меҳмонларни кутиб олиш ва уларни кузатиб қўйиш масалаларини изчиллик билан ҳал этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Бу борадаги ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев қатнашди.

**(ЎзА).**

## ИККИ МАСАЛА ҲАМ — МУҲИМ, ДОЛЗАРБ

***Маълумки, Олий Мажлиснинг XV сессияси муҳокамасига «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида ҳисобот» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги масалалар ҳам киритилган. Мухбиримиз Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ АҲАДОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.***

**— Суҳбатимизни биринчи масала, яъни Давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси натижаларини шарҳлашдан бошласак. Бу борада қандай натижаларга эришилди?**

— Энг аввало, шуни айтиш кераки, Парламентимизнинг 5 йиллик фаолияти давомида, айниқса, бюджет тизимини шакллантириш, унинг ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш борасида муайян тажрибалар шаклланди, десам хато қилмаган бўламан. Бу эса, табиийки, бозор тамойилларига асосланган иқтисодий тизимни босқичма-босқич амалга ошириш, белгиланган дастурларни аниқ рақамлар — ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда бажариш учун катта имконият яратди. Ёхуд бюджет лойиҳаларини Праламентимизда қабул қилиниши жараёнини олайлик. Ҳар бир Давлат бюджети лойиҳаси турли даража ва босқичларда жуда кўп муҳокама ва мунозаралардан ўтди. Унинг, айниқса, даромад ва харажатларга доир манбалари ҳар томонлама, айни пайтда, манфаатдорлик ва синчковлик билан таҳлил этилди. Ана шундай қизғин мунозаралар, дўстона тортишувлар давомида ҳам мутахассислар, ҳам депутатлар томонидан билдирилган эътироз ва таклифлар осойишталикни, мамлакатимизнинг янада ривожланишини таъминловчи ҳужжат юзага келишига кўмаклашди. Яна бир ижобий тажриба шундаки, Давлат бюджетининг ижроси ҳар чоракда Парламент даражасида кўриб чиқилди. Бу эса, биринчидан, ҳуқуқий-демократик жамиятга хос хусусият бўлса, иккинчидан, олий қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижрочи ҳокимият ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзгача бир кўринишидир.

Иккинчи айтадиган гапим шуки, сессия кун тартибига киритилган ҳар икки масала ҳам ўта муҳим ва долзарбдир. Чунки бу масалалар янги минг йиллик арафасида давлат ва жамият тараққиётининг устувор вазифаларини ҳал этиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган давлат дастурларини изчил амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи ярим йиллик якунлари Юртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаларида белгиланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятни қайта қуришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини кўрсатмоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун, рақамларга мурожаат қилайлик. Биринчи ярим йилликда Бюджет камомади (тақчиллиги) ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди. Бюджетнинг даромад қисми 268.1 миллиард, харажат қисми эса 283,2 миллиард сўмга тўғри келди. Унинг харажат қисмининг қарийб ярми ижтимоий тадбирларга йўналтирилди. Марказлаштирилган инвестицияга бюджетдан 57,7 миллиард сўм ажратилди.

**(Давоми 2-бетда).**



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан

**"Халқ сўзи" ва "Народное слово"**

*газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.*

*Буюртмалар шу йилнинг 20 августигача қабул қилинади.*

Маълумот учун телефонлар:

**136-09-25, 132-10-63.**

# ҚОНУНЛАР – ДЕМОКРАТИК САЙЛОВНИНГ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида" Қонунлар қабул қилинган бўлиб, булар бугунги кунда амалда кенг қўлланилмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг фаолияти, сайловчиларнинг ҳуқуқини кафолатлаш, референдум ўтказиш тўғрисида ҳам қонунларимиз мавжуд. Уларда Бош Қомусимиз — Конституциямиздаги фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ҳақидаги асосий тамойиллар ривожлантирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпгина мамлакатларда, жумладан, ҳамдўстлик давлатларининг талайгинасида сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳалигача йўқ. Уларда сайловлар фақат Президентнинг фармони ёки қарори билан ташкил этилмоқда. Булар ўз навбатида сайлов жараёнида кўплаб қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги Қонунларининг афзаллиги шундан иборатки, уларда халқимизнинг тарихий анъаналари, дунёқараши ўзига хос акс эттирилган. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бу қонунларда ўтиш даври хусусиятлари аниқ ва ишонарли тарзда ифодалаб берилган.

Учинчи жиҳат эса, жамиятимизда демократик тамойилларнинг қарор топиши баробарида сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ҳам янада такомиллашиб боришидир.

**— Нажмиддин ака, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳасининг муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда. Шу хусусида ҳам бироз тўхталсангиз?**

— Бўлажак сессияда сиз айтган Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кенг ва атрофлича муҳокама этилади, деб ўйлайман. Мазкур лойиҳа бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилади, қимматли таклифлар киритилади. Хуллас, Олий Мажлиснинг яқинда очиладиган сессиясида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги Қонунларининг баъзи моддаларини ислоҳ қилиш мўлжалланмоқда. Бу эса мамлакатимизда сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилишини ҳар томонлама таъминлашга ёрдам беради. Республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг сайловларда қизғин иштирок этишга бўлган имкониятлари яна ҳам кенгаяди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимизнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, фуқароларнинг алоҳида ташаббускор гуруҳлари ҳам келишиб, ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Бу ўзини ўзи бошқариш органларининг, жумладан маҳаллаларнинг, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи ва ролини янада оширади. Бу чинакам демократиянинг муҳим белгисидир. Зеро, бундай имконият фақат бизнинг қонунларимизда мавжуд.

Марказий сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги қонунларнинг республиканинг барча ҳудудларида амал қилишини назорат этиб, алоҳида ташаббускор гуруҳлар, сиёсий партиялар ва ҳокимиятларнинг вакиллик органлари номзодлари учун тенг имкониятлар яратиш учун курашади. Аммо бу ишнинг самарадорлиги учун фуқароларимиз мавжуд қонунлардан яхши хабардор бўлишлари, уларни чуқур ва ҳар тарафлама билиши ва ўзларига берилган барча имкониятларни англаб етиши даркор. Бунинг учун жойларда аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилиши зарур. Марказий сайлов комиссияси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туркум семинарлар ўтказишни режалаштирган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам фуқароларга сайлов тўғрисидаги қонунлар юзасидан тушунтириш ишларини мунтазам равишда давом эттириш мақсадга мувофиқ. Сайловнинг муваффақиятли ўтиши демократик тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, фуқароларнинг ўз бурчларини тўғри англашлари ҳамда сиёсий етуклигига ҳам боғлиқ, албатта.

**Суҳбатдош:**
**Турсунбой БОТИРБЕКОВ**
**(ЎзА)**

# Маънавият ва маърифат — тараққиёт пойдевори

Наманганда вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда шу нарса таъкидландики, ҳар қандай жамиятда маънавият ва маърифат бўлмас экан, жамият олға силжий олмайди. Миллий ғоя ва миллий мафкурага таяниб, умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш муҳимдир. Бу инсонни улуғлаш, ёшларни чин ватанпарвар қилиб тарбиялаш имконини беради. Янги ташкил этилаётган кенгаш ана шу йўналишда фаолият кўрсатади.

Конференцияда Маънавият ва маърифат вилоят кенгаши таркиби тасдиқланди. Кенгаш раислигига вилоят ҳокими Т.Жабборов сайланди.

Конференция ишида республика Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова сўзга чиқди.

**(ЎзА)**



# АЛПОМИШГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛАДИ

*Мустақиллик байрами яқинлашган сайин юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида улкан ўзгаришлар содир бўлаяпти. Хусусан, олиб борилаётган қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари диққатга сазовордир.*

*Жумладан, Термиз шаҳрида ҳам бунёдкорлик ишларига катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили шаҳарда 1500 ўринли ёзги теннис мажмуи фойдаланишга топширилган эди. Бу йил ушбу мажмуада 610 ўринли ёпиқ теннис корти қурилмоқда. Ҳозирда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. Замонавий тарзда бунёд этилаётган теннис кортида спорт ихлосмандларининг мунтазам шуғулланишлари ва дам олишлари учун барча қулайликлар мавжуд.*

*Шунингдек, мажмуа қошида «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллик юбилейига туҳфа тариқасида Алпомиш ҳайкалини ўрнатиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Бу улкан иш термизлик бир қатор қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилаяпти. Ушбу бунёдкорлик ишларини мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.*

**СУРАТЛАРДА: уста дизайнерлар Бахтиёр Ўроқов, Бахтиёр Йўлдошев ва Ғанижон Йўлдошев иш устида; ёпиқ теннис кортида сўнгги пардоз ишлари давом этмоқда; теннис мажмуининг умумий кўриниши.**

**Искандар ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**



**<u>Кўҳна Кўқон маданият ва истироҳат боғини қайта тиклаш муаллифларининг фикрича, мазкур дам олиш маскани янги қиёфаси Худоёрхоннинг саройига янада кўркам чирой бахш этади. Аждодларимиздан қолган бу ноёб меъморчилик иншооти кўп йиллар турли иморатлар «исканжа»сида қисилиб қолган эди. Эндиликда сарой шаҳарнинг ҳамма ёғидан кўриниб, ўзининг бекиёс гўзаллиги билан кўзни қувонтириб турибди.</u>**

# БОҒ ЯНГИЛАНАДИ

Боғни ҳам янада кўркамлаштириш кўзда тутилган. Унинг асосини ташкил этган марказий хиёбон боққа кираверишдан бошланиб, сарой остонасига қадар давом этади. Хиёбонда фавворалар мажмуи бунёд этилади. Меъморчилик шакллари билан уйғунлашиб кетган фавворадарнинг ҳаётбахш мавжлари яратилаётган боғнинг асосий безак унсурлари бўлиши лозим. Бу ишларни «Қўқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «2-Агроқурилиш», Қурилиш материаллари заводи мутахассислари амалга оширишмоқда. Бугунги кунда улар боғнинг тепа қаватига кўтарилишда ўзига хос дарвоза вазифасини ўташга мўлжалланган айвон-шаршара қурилишини туғаллашаяпти. Хиёбоннинг бошқа томонида эса, саройолди майдонига тош ётқизиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу кунларда янгиланаётган боғ ҳудудини ободонлаштириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Гуллар ва ажриқ ўтказиладиган жойга тупроқ тўкилиб, янгидан ажриқ ётқизилмоқда. Истироҳат боғи мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами кунларида очилиши мўлжалланаяпти.

**«Туркистон-пресс»**

«Халқ сўзи» анкетаси

*1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?*
*2. Йил давомида Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?*
*3. Ўзбекистоннинг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?*

# БАРАКА ҲАРАКАТДАДИР

**Анкета саволларига Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани деҳқон ва фермерлар уюшмасининг бўлим бошлиғи Ҳусанбой МЎЙДИНОВ жавоб беради:**

1. Мустақиллик — ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи. Одатда мустамлака шароитида яшаган халқлар озодлик йўлида кураш олиб борадилар, керак бўлса бу йўлда жонларини қурбон қиладилар. Ўзбекистон халқи ҳам мустақилликка осонгина эришгани йўқ. Юртбошимизнинг қатъияти, жасорати туфайли биз эркка, озодликка эришдик. Мустақиллик дегани — қур, ярат дегани, озод Ватанининг гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссангни қўш дегани.

Эркинлик, озодликнинг қадрига етиш эса шу юрт, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билишдан бошланади. Воқеаларга муносабатда, ҳушёрликда аён бўлади. Менинг биринчи галдаги вазифам оиламнинг фаровонлигини таъминлаш, деҳқон-фермер хўжаликларининг оғирини енгил қилиш. Ён-атрофдагиларнинг аҳвол-руҳиясидан бохабар бўлиш эса — бурчимдир.

2. Саккиз йил давомида ҳаётимиздаги ўзгаришларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Мустақиллик шундай бир неъматки, унинг асрлар қаърида мустаҳкам туриши учун жону жаҳонимизни ҳам беришга тайёрмиз. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Мустақилликдан олдин туманимизда 1 фоизгина уй-жой газлаштирилган бўлса, ҳозир аҳолининг 68 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда. Бу йилнинг ўзида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш олти ойлик режаси 55 фоизга бажарилди. Туманимизда 106 та фермер хўжалиги ташкил этилди.

Бу хўжалик раҳбарларининг барчаси ернинг тилини биладиган миришкор деҳқонлар. Масалан, «Умид» фермер хўжалигининг 32 гектар ери, 115 бош қорамоли, 40 бош соғин сигири бор. Олти ой мобайнида улар 95 тонна сут етиштирдилар.

Мана шу хўжаликларнинг гуркираб ривожланиши Ватанимиз келажагининг буюк бўлишини таъминлайди.

Фарзандларим ўқишнинг, илмнинг қадрига етадиган бўлиб улғаймоқда. Катта ўғлим Отабек инглиз, турк тилларини мукаммал билади. Химия фанидан эса республика Олимпиадасининг ғолиби бўлди – Тошкент давлат тиббиёт институтига имтиҳонсиз қабул қилинди. Фарзандимнинг бу ютуғидан қувонмай, фахрланмай бўладими? Уларнинг бу даражага етиши мустақиллигимиз, Юртбошимизнинг меҳрибонлиги туфайли эмасми?

Биз ал-Беруний, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий авлодларимиз. Фарзандларимиз орасидан юртимиз шуҳратини оламга машҳур қиладиган илм толиблари етишиб чиқишига ишонаман.

3. Ўзбекистонимизнинг эртанги куни порлоқ. Лекин келажагимизнинг буюк бўлиши бугунги меҳнатимизга боғлиқ. Шу боис деҳқон-фермер хўжаликларининг ишини ривожлантириш йўлида тинмай ҳаракат қилаяпман. Юртбошимизнинг ҳар бир сўзларидан ўзимга хулоса чиқариб, буни деҳқонларга тушунтириб бораяпман. Ватанпарварлик ва миллий ғурур ўзлигини англашдан бошланади. Ўзини таниган, ўзини ҳурмат қилган, ғурурли, ор-номусли, маънавиятли ёшларни тарбиялай олсак, карвонимизнинг кўзлаган манзилга етишини осонлаштирган, Юртбошимиз ғояларининг тезроқ рўёбга чиқишига кўмаклашган бўламиз.

**А. ЖЎРАЕВ**
**ёзиб олди.**

# БИРИ ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ, БИРИГА ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш — ҳукуматимизнинг фуқаролар ҳақидаги ғамхўрлигининг ёрқин кўринишларидан биридир. Афсуски, ана шу муҳим тадбирни амалга оширишда баъзи туманларда қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Газетанинг шу йил 16 июнь сонида чоп этилган «Ижтимоий нафақалар ҳаққоний ишлатилсин» сарлавҳали мақолада худди шу ҳақда сўз юритилган эди. Чунончи, Сайхунобод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида тегишли қоидаларга риоя этилмай, уч ой мобайнида тўққиз фуқарога 90 минг сўм нафақа ноқонуний тўлаб юборилган.

Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ҳокими муовини, назорат инспекциясининг раҳбари, жаноб Н. Ҳаитовнинг хабар қилишича, ушбу мақола туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилган. Кўрсатилган камчиликлар юзасидан тегишли масъул шахсларга нисбатан чоралар кўрилиб, бундай хатоларнинг қайтарилмаслиги учун зарур тадбирлар белгиланган.

Маҳаллаларнинг молиявий ишини назорат қилмаганлиги учун, «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролари йиғини раиси А. Шукуровга ҳайфсан берилди. Ишда камчиликларга йўл қўйган «Ўзбекистон» маҳалла қўмитаси раиси Т. Ботиров эса ўз вазифасидан четлатилганлиги инобатга олинди.

Фуқаролар йиғинлари раисларига ўзларининг ҳудудларида фаолият кўрсатаётган маҳалла қўмиталари ишини қаттиқ назоратга олиш, нафақалар, моддий ёрдам пулларини ҳақиқий муҳтож, кам таъминланган оилаларга берилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

# ИККИ МАСАЛА ҲАМ — МУҲИМ, ДОЛЗАРБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислоҳотларнинг барча босқичларида устувор бўлиб келаётган вазифа аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, унинг фаровонлигини ошириш борасида ижобий натижаларга эришилди, деб айтиш мумкин. Бюджетдан олинадиган иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўланаётгани, албатта, қувонарли ҳолдир. Ана шу мақсадлар учун Давлат бюджетидан 102 миллиард сўм ажратилган. Ўзини ўзи бошқариш идораларининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги фаолияти ҳам янада ривож топди. Шу ва бошқа рақамларга асосланиб айтиш мумкинки, жорий йилда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, иқтисодий ўсиш тенденцияси давом этмоқда, халқнинг моддий фаровонлиги ошиб бораяпти.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини бажариш натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини изчил ривожлантиришга эришилди. Қатъий пул-кредит сиёсати юритиш ҳамда пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи самарали механизм яратилиши натижасида инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Бюджет, солиқ сиёсати ягона давлат иқтисодий сиёсати доирасида мувофиқлаштириб борилди. Солиқ ва пул муомаласини тартибга солиш соҳасида кўрилган қатъий чоралар Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоиз камомад билан якунланишига олиб келди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқимизнинг турмуш даражаси бирмунча яхшиланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш мақсадида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қуриш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

**— Камчилик ва муаммолар ҳам борми? Агар бор бўлса, уларни, асосан қайси соҳа ва ҳолатларда кузатиш мумкин?**

— Бор. Масалан, жорий йилда тўлов интизомини ҳал қилиш борасида олдимизга қўйилган вазифаларни тўла ҳал қила олганимиз йўқ. Бугунги кунда корхона айримларнинг дебиторлик-кредиторлик қарзлари, тайёр маҳсулотлар қолдиғини камайтириш, ўз айланма маблағлари сақланишини таъминлаш ҳамда корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш масалалари ўта долзарб бўлиб турибди.

Бозор инфратузилмаси талабларига жавоб бермайдиган хўжаликлар мавжудлиги, қимматли қоғозлар билан ишлаш, маркетинг-менежмент, шартномавий усуллар билан иш олиб бориш талаб даражасида эмаслиги натижасида харидоргир бўлмаган, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда. Ва бу маҳсулотлар омборларда туриб қолаяпти. Бунинг оқибатида зарар билан ишлаш, меҳнатга ҳақ тўлай олмаслик, кредиторлик қарзларини узолмаслик, бюджет тўловлари бўйича қарздор бўлиб қолиш каби ҳолатлар юз бермоқда.

Тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар бундай ҳолатларни бартараф этишда сусткашликка йўл қўйиляптилар. Уларнинг айримлари боқимондалик кайфиятидан, ҳамон қутулолмаётгани сабабли, мамлакатимизда яратилган қонуний базалар, берилган имтиёзлардан фойдалана олмаяптилар. Мазкур раҳбарлар чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этиш, қимматли қоғозлар билан ишлаш, илғор технологиялар воситасида, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга интилмаяптилар.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўтказилаётган текширувлар натижасида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланмаслик, бюджет интизомига риоя қилмаслик, айрим ҳолатларда эса давлат маблағларига кўз олайтириш ҳолатлари аниқланаётгани таажжубланарлидир.

**— Айтолмайсизми, бундай ҳолатлар, хусусан, қайси хизмат соҳаларида кўпроқ рўй бераяпти?**

— Бунга савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Солиқ қонунчилигига риоя қилиш ҳолати бўйича олинган маълумотларга кўра, 24900 та савдо ва хизмат кўрсатиш корхонасидан 20776 таси (83 фоизи)да солиқ қонунчилигини турли даражада бузиш ҳолларига йўл қўйилгани аниқланди. Ушбу текширувлар пайтида амалга оширилган бюджет тўловлари ва қўлланилган молиявий чоралар натижасида бюджетга қўшимча 336,5 миллион сўм ўтказилди.

Текширувлар давомида 1212 та ҳолатда жами 140,4 миллион сўмлик пул маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, нақд пул маблағларини банк муассасаларига ўз вақтида топширмаслик, 3972 ҳолатда назорат-касса машиналаридан фойдаланилмагани кузатилди. Текширув материаллари бўйича 1788 та корхонага 237,0 миллион сўмлик молиявий чоралар кўрилди, назорат-касса машиналарининг йўқлиги туфайли 1240 та савдо корхонасининг фаолияти тўхтатилди, 3279 жисмоний ва мансабдор шахсга 35,0 миллион сўм ҳажмида маъмурий чоралар қўлланди ҳамда 934 та материал юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Юқорида қайд этилган камчиликлар, табиийки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келмайди, аксинча корхоналарнинг молиявий аҳволини оғирлаштиради. Охир-оқибатда айрим раҳбарларнинг айби билан кўпчиликнинг меҳнати эвазига келган соф даромад жарима учун сарфланади. Агар корхона шу соф фойдасини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, маҳсулот ҳажмини оширишга сарфлаганда, биринчидан ходимлар иш билан банд бўлар, ўз вақтида маош олар, иккинчидан, бюджет тўловлари ҳам ўз вақтида амалга ошириларди.

Афсуски жорий йилга мўлжалланган устувор дастурларнинг барчаси ҳам муваффақиятли ҳал этилаяпти, деб бўлмайди. Юртбошимиз жорий йилнинг биринчи ярми якунига бағишлаб ўтказилган мажлисда: **«Аввало шуни айтмоқчиманки, бу йилга мўлжалланган давлат мулкини хусусийлаштириш ва бу жараёнга чет эл инвесторларини жалб этиш суръатлари бизни қониқтирмаяпти. Ўта муҳим бу ишда изчиллик етишмаяпти»** деб ҳақ гапларни айтган эдилар. Агар хусусийлаштириш жараёнлари тасдиқланган дастур асосида амалга оширилганда эди, биринчи галда мулк ҳақиқий эгасини топар қолаверса, бюджетнинг даромад қисми ошириб бажарилишига ижобий таъсир қилган бўлар эди.

**— «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги лойиҳада қайси йўналишларга алоҳида урғу берилган?**

— Узоқ йилларга мўлжалланган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш миллий дастурларини амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Давлат бюджетининг асосий устувор йўналишлари саналади.

2000 йилда макроиқтисодий кўрсаткичлар янада мустаҳкамланади. Асосий мақсад — ялпи ички маҳсулот ўсишини 5 фоизга етказиш, ўртача ойлик инфлякция даражасини 1,4 фоиз ва бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8 фоиз ҳажмида ушлаб туришдан иборатдир.

Келгуси йил Давлат бюджетида бюджет камомадини инфляциянинг ўсишига олиб келмайдиган усуллар билан молиялаш давом эттирилади. Хусусан, Давлат қисқа муддатли облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари чиқарилади. Тахмин қилинаётган даврда қулай макроиқтисодий муҳит яратиш, фаол саноат ва инвестиция сиёсати юритиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий соҳада академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастурини амалга ошириш, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш давом эттирилади. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида халқаро молия ташкилотларининг кредит линияларини ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Ушбу мақсадларга халқаро молия ташкилотларининг кредитларини жалб қилиш мўлжалланган.

2000 йилда Давлат бюджетининг даромад қисми 650,0 миллиард сўм миқдорида тахмин қилинаяпти. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг 29,2 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 2000 йилда Давлат бюджетининг харажатлар ҳажми 712,4 миллиард сўм ҳажмида мўлжалланаяпти. Бу ялпи ички маҳсулотнинг 32 фоизи демакдир.

2000 йилги бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қоидаларига мувофиқ хўжалик субъектларига нисбатан солиқ юкини енгиллаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш ҳамда бюджетга тушумлар ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Келгуси йилги Давлат бюджетининг харажат қисми бюджетнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли фаровонлигини оширишга доир устуворликлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари иши самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатларини марказдан соқит қилиш ва бу ваколатларнинг бир қисмини марказдан ҳудудларга, маҳаллий ҳокимият органларига олиб бериш масаласига кенг ўрин берилган. Хусусан, бюджет тушумларининг кўпгина турларини ёки уларнинг муайян қисмини маҳаллий бюджетлар ихтиёрига қолдириш мўлжалланмоқда. Бу давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги стратегик вазифалардан биридир.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилишини устувор тарзда молиялаш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, давлат дастурини амалга ошириш каби соҳаларни бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари сирасига киритиш мумкин.

Шунингдек, янги бюджет лойиҳасининг асосий хусусиятларидан бири — қатъий молия сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, Давлат бюджети тақчиллигини иложи борича камайтириб бориш, солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадларининг барқарор суръатда тўлдириб турилишини таъминлашдан иборатдир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари лойиҳаси келгуси йилда олдимизда турган муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, тасдиқланган давлат дастурларини амалга ошириш, давлатимизнинг халқаро обрўсини ошириш, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни таъминлашга етарли асос яратиши шубҳасиздир.

Бюджетни бажариш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бу эса ҳар бир фуқародан тортиб раҳбар ходимгача унга ўта масъулият ва ғайрат-шижоат билан ёндашишни талаб этади.

**«Халқ сўзи» мухбири,**
**И. ХУДОЁРОВ**
**суҳбатлашди.**

# ТАНЛОВНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон — Ватаним маним**

Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилиб, мамлакатимизда тўртинчи марта ўтказилаётган, Мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишланган Ўзбекистон Қўшиқ байрами танловининг якуний босқичи пойтахтдаги "Туркистон" саройида бошланди.

Тадбирни Маданият ишлари вазири Х.Жўраев очди.

Танловнинг дастлабки босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар билан бир қаторда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси тизимида ҳам муваффақиятли ўтказилди. Уларда кўплаб истеъдод эгалари кашф этилди, Истиқлол, Ватан туйғуси ифодаланган ўнлаб янги қўшиқлар юзага келди.

Энг жозибали ва дилбар қўшиқ одатда Ватан ҳақида бўлади. Бундай жозибадор қўшиқлар кишиларни бирлаштиради, тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватан равнақига ҳисса қўшишга, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга ва ҳимоя қилишга даъват этади.

Танловга тақдим этилган асарлар орасида мудҳиш феврал воқеалари таъсирида яратилган "Бепарво бўлма, халқим!" "Огоҳ бўлинг!" қўшиқлари ана шундай асарлар жумласидандир. "Аёл муқаддас, ҳам Ватан муқаддас", "Аёллар тебратар дунёни", "Ҳур қизиман она юртимнинг" қўшиқларида эса Аёллар йили мавзуси ўз ифодасини топган.

**Б. МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлимининг Миробод тумани 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси оммавий ахборот воситалари ходимлари билан матбуот анжумани ўтказди.

Унда ички хизмат полковниги Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари М.Аъзамов ва Миробод тумани 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси бошлиғи, ички хизмат майори А.Маҳкамов ҳудудда ёнғинлар чиқишининг олдини олиш чора-тадбирлари, рўй бераётган ёнғинлар оқибатида туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётига етказилаётган моддий ва маънавий зарар ҳамда тизим ходимларининг касб маҳоратини ошириш, маънавий-маърифий ишлар қай йўсинда олиб борилаётганлиги ҳақида сўзлаб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

*15 август — Ҳиндистон Республикаси Мустақиллиги куни*

## КЕЛАЖАККА ОДИМЛАЁТГАН МАМЛАКАТ



***Ҳиндистон... Бу мамлакат номини тилга олишимиз билан, аввало, ҳинд киноси, миллий қўшиқларию рақслари, биз севиб истеъмол қиладиган ҳинд чойи кўз олдимизга келади. Ҳиндистонда нафақат санъат, балки саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳам кенг ривожланган.***

Ҳиндистон икки юз йил давомида Британия мустамлакаси бўлиб келган. 1947 йил 15 августда Ҳиндистон доминион мақомини олгани ҳолда мустақилликка эришди ва 1950 йилда ўзини Республика, деб эълон қилди.

Ҳиндларнинг мустақилликка эришиш йўли узоқ бўлди. Улар нафақат мустақиллик учун курашдилар, балки узоқ вақт озод бўлишни ўргандилар. Ҳозирга келиб, бу мамлакат халқи талай муаммоларни ечишга, замонавий саноат ва соғлиқни сақлаш тизимини яратишга, бирдамликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, энг асосийси эса барча ижтимоий-иқтисодий масалаларни демократия йўли билан ҳал этишга эришмоқда.

Ҳиндистонда Жавоҳарлал Неру томонидан ишлаб чиқилган ва сўнгра унинг қизи — Индира Ганди томонидан амалга оширилган стратегия асосида, айниқса фан,технология ва меҳнат самарадорлигини ошириш билан иқтисодий ўсишга эришиш талаби қўйилди.

Бу вазифаларни бажармай туриб, жамиятда барқарорлик ўрнатиб бўлмас, бусиз Ҳиндистондай кўпмазҳабли ва кўпмиллатли мамлакатда бошқа барча муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас эди. Бу стратегия, умуман олганда, ўзини оқлади. У аввалambор аҳолининг қашшоқлиги билан боғлиқ кенг қамровли дастлабки қийинчилик ва муаммоларга қарамасдан мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт жиҳатидан анча олдинга силжишига имкон берди.

Ўзбекистон Ҳиндистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг тамойил ва йўналишларини белгиловчи ҳукуматлараро битимларнинг ҳуқуқий базаси яратилган.

1994 йил январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга расмий ташрифи амалга ошди. Унинг давомида бизнинг давлатларимизнинг Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасида доимо мавжуд бўлган анъанавий яхши муносабатларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашга интилиш пайдо бўлди.

Йирик ҳинд ширкатлари, банк ва суғурта компаниялари ўзбек шериклари билан иқтисоднинг тўқимачилик, машинасозлик, электрон ва доришунослик саноатлари каби соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишга қизиқиш билдирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари рўйхатдан ўтган. Ундан ташқари 100 фоиз ҳинд сармояси билан корхоналар ташкил этилган: трикотаж моллари чиқаришга ихтисослаштирилган «Дамас гармент энд Текстайл фэктори» ва даволаш препаратларини тайёрловчи ишлаб чиқариш тармоғи яратиш билан шуғулланувчи «Аджанта фарма» шулар жумласидандир.

Ҳинд ишбилармонлари туризм ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқдалар. «Тата прожект» ва «Ларсен тубро» компаниялари Тошкент ва Самарқандда иккита ўта қулай ва шинам отеллар қуриб берди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан савдо ва иқтисодий ҳамкорлиги истиқболли ва икки мамлакат манфаатларига жавоб беради. Бунга жорий йилнинг февраль ойида Деҳлида ўтказилган савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича ўзбек-ҳинд комиссиясининг мажлиси мисол бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожланиб бормоқда. Улар Тошкентда Ҳиндистон маданий маркази очилиши билан янада мустаҳкамланди. Бу марказда йога ва Ҳиндистон пазандачилиги санъатларини ўрганиш курслари фаолият кўрсатмоқда, турли кўргазмалар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси, сўзсиз, халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Саодат НОРҚЎЗИЕВА.**

**Нима? Қачон? Қаерда?**

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҚИСҚАРМОҚДА

Никарагуа мамлакати президенти Арнольдо Алеман қуролли кучлар таркибини қисқартириш ташаббуси билан чиқди. Унинг айтишича, шу орқали давлат бюджетининг анчагина қисми тежаб қолинади. Маълумотларга кўра, ўтган йили мамлакат қуролли кучлари учун 55 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган.

Таъкидлаш жоизки, Никарагуа армияси кейинги йиллар ичида тўхтовсиз қисқариб келмоқда. 1990 йилда мамлакат қуролли кучлари таркиби 100 минг кишидан ташкил топган бўлса, ҳозир 14 мингга яқин аскар ва зобит бор, холос. Кузатувчиларнинг айтишича, Никарагуа армияси Марказий Америка давлатлари орасида энг кичиги ҳисобланади ва унга нисбатан жуда кам маблағ сарфланади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***ТБИЛИСИ.*** Грузияда яшовчи курдлар ўз она тилида ойида бир марта нашр этиладиган "Главеж" ("Тонги юлдуз") деб номланган газета нашр эта бошлади. Газетанинг биринчи сони 12 август куни чиқди.

* * *

***РАБОТ.*** Либерия шимолида ҳукумат ҳарбийлари билан номаълум қуролли гуруҳ ўртасидаги тўқнашув чоғида халқаро инсонпарварлик ташкилотининг олти нафар ходими, жумладан тўрт нафар британиялик ўғирланди.

* * *

***ТАЛЛИН.*** Эстония президенти Леннарт Мери 10-11 сентябр кунлари Ялтада бўлиб ўтадиган Қора ва Болтиқ денгизлари ҳавзасидаги 20 давлат раҳбарлари ҳамда ҳукумат бошлиқларининг саммитида иштирок этади.

* * *

***ҚОҲИРА.*** Фаластин ва Исроил вакиллари — Соиб Арикат билан Гилад Шер "Уай-Плантейшн" битимига мувофиқ, Исроил ҳарбийларини Иордан дарёси Ғарбий соҳилидан олиб чиқиб кетиш масаласи бўйича келишмовчиликларни бартараф эта олмади.

* * *

***ТОКИО.*** Япониянинг "Сони" корпорацияси компютерлар учун "қаттиқ диск" ишлаб чиқди. Бу қурилма "Нихон дзэон" кимёвий компанияси билан ҳамкорликда яратилди. "Қаттиқ диск" ҳозир қўлланилаётган қурилмаларидан 30-40 фоиз арзон бўлади ва йил охирларидан бошлаб савдога чиқарилади.

**«Жаҳон» АА, ЎзА ва Хориж матбуоти хабарлари асосида А. Мадатов тайёрлади.**

UZDUNROBITA cellular

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан «ЎЗДУНРОБИТА»**

Ўзбек-Америка қўшма корхонаси Ўзбекистон минтақаларида ўз уяли алоқа тармоқларини кенгайтириш ва такомиллаштириш дастурига мувофиқ, Тошкентдаги мавжуд 27 станцияга қўшимча, "Ўрикзор" мавзеси ва Шимолий вокзал ҳудудларида навбатдаги ***янги икки станцияни ишга туширди.*** Бу ҳудуддаги барча мижозларимизга, бутун тармоғимизда бўлганидек, эндиликда ишончли ва юқори сифатли алоқа хизмати кўрсатилади.

**Маълумот учун телефонлар:**
**Тошкентда-611, 111 ( «Ўздунробита» телефонидан қўнғироқ қилганда), 30-09-09, 31-09-09.**

БИЗ БИЛАН БУТУН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ !

®/2006

## ЧАРЧАМАЙДИ, ТИНМАЙДИ



*Шарифа момо БОЛТАБОЕВА Беруний шаҳрида истиқомат қилади. У бу йил 75 баҳорни қаршилади. Шунга қарамай онахон чарчамайди, тинмай меҳнат қилади. Ўзининг кўп йиллик ҳунари — зардўзлик билан шуғулланади. Унинг қўлида сайқал топаётган телпаклар, зарчопон, тўн, болалар бош кийимларининг харидори кўп. Ҳудди шунингдек, унинг шогирдлари ҳам мўл. Уларнинг манзили ҳам чегара билмайди — Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Нукус, Урганч...*

**СУРАТДА: Шарифа момо Болтабоева ўзи жило берган буюмлар қошида.**

**Тоҳиржон Ҳамроқулов олган сурат.**

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БОР

**ГЕПАТИТ ВА ВИРУС КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ЯНГИ АНТИҚА ВОСИТА**

***АМИКСИН препаратининг 10 таблеткаси Сизни гепатит ва бошқа вирус касалликларидан даволайди***



**АМИКСИН®**

**ГЕПАТИТ**
**УРОГЕНИТАЛ ХЛАМИДИОЗ**
**ГЕРПЕТИК ИНФЕКЦИЯ**
**ОРВИ ва ГРИПП**
**ТАРҚАЛГАН СКЛЕРОЗ**

**АМИКСИН ҳақида маълумотни "АФСОНАК-63"ХФдан олишингиз мумкин. Ўзбекистон, Тошкент ш., Лутфий кўч., 94. Тел.: (99871) 173-05-22, 173-05-44**

***АМИКСИН препарати 125 мг. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан Б-250-95 № 13298 рақами билан 17.07.98 йилда рўйхатга олинган.***

1994

## "САЛОМАТЛИК" ПОЕЗДИ — ОРОЛБЎЙИДА

***Навбатдаги "Саломатлик" поезди Тошкентдан Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Бу тадбир Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ташкил этилди. Поездни тузишда ва ундаги ҳиммат юкларини тўплашда бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари, республикамизда ишлаётган қўшма корхоналар фаол иштирок этди.***

Оролбўйидаги экологик фалокат оқибатлари аҳоли саломатлигига ҳам таъсир қилмоқда, фақат катта ёшдагилар орасида эмас, болалар орасида ҳам касалланиш кўпаймоқда. Поездда Оролбўйига жўнаб кетган юқори малакали тиббий мутахассислар бригадасининг вазифаси одамларни ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур бўлса минтақадаги шаҳарлар ва қишлоқ аҳолисини даволашдан иборат. Бунинг учун поезд замонавий ташхис асбоблари, дори-дармонлар билан таъминланган.

Поездда экологик ноқулай туманлар аҳолисига инсонпарварлик ёрдами — озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, санитария ва гигиена буюмлари ҳам олиб борилади.

**(ЎзА мухбири).**

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси меҳнат фахрийси, журналист

**Фаик МИРАСОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0640, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6